

МУҲИДДИН ОМОН

МУНАВВАР СОҒИНЧ



МУҲИДДИН ОМОН



МУНАВВАР СОҒИНЧ

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2009

84 (5Ў)6
056

Муҳиддин Омон.

Мунаввар соғинч: Шеърлар /Муҳиддин Омон. —
Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2009. — 184 б.

Инсон бир умр эзгуликни, бахт-саодатни соғиниб,
уларга интилиб яшайди. Энг гўзал шеърлар ҳам соғинчдан
дунёга келади. Модомики қалбингизда яхшилик, хайру
саховат соғинчи уйғоқ экан, демак, дилингиз равшан,
ниятингиз пок, нигоҳларингиз неқбиндир.

Ўзининг «Кўнгил дарбозаси» (1993 й.), «Толе фасли»
(1997 й.) номли китоблари билан шеърият ихлосмандлари
меҳрини қозонган истеъдодли шоир Муҳиддин Омоннинг
«Мунаввар соғинч» деб аталган ушбу шеърий мажмуаси ҳам
ана шундай рангин ва соҳир туйғулар гулдастасидир. Киши
руҳиятининг турли манзараларини теран фалсафий руҳ,
ўткир мушоҳада, тизгинсиз тахайюлларга бой идрок ва гўзал
бадий тил билан ифодаловчи шеърлар Сиз — азиз китоб-
хонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

О 4702620202 - 49
М 352 (04)-2009 2009

ББК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-03-199-9

© М. Омон, Ғафур Ғулом
номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2009 йил.

ШАЪНИ КОМРОНИМ - ВАТАН!



МАНГУ СЎЛМАС БАҲОРИМСАН....

Чаманимсан, ифорингга тўйиб бўлмас,
Дийдорингни қиёматга қўйиб бўлмас,
Мингта жаннат боғидан ҳам сен муқаддас,
Мангу сўлмас баҳоримсан, Ўзбекистон,
Бахти кулган диёримсан, Ўзбекистон!

Сен мусаффо ҳам мунаввар осмонимсан,
Боболардан мерос шонли дostonимсан.
Онамдек меҳрибон, озурда жонимсан,
Бағри қайноқ, юзи офтоб Ўзбекистон,
Иймони пок, олтиндек соф Ўзбекистон!

Алломасан, самоларда изларинг бор,
Фотиҳларни мағлуб қилган қизларинг бор,
Жаҳон аҳли лол этгувчи сўзларинг бор,
Сарбонисан Осиёнинг, Ўзбекистон,
Даҳоларнинг ошиёни — Ўзбекистон!

Дилдан жўшиб куйлагайман иқболингни,
Байроғингни, юлдузларинг, Ҳилолингни,
Танграм улуг қилсин мудом камолингни,
Шарқ машъали, шаъни комрон Ўзбекистон,
Қадри буюк, қадим Турон — Ўзбекистон!

ДИЙДОРИНГНИ ҚУЁШ СОҒИНАР

(Қўшиқ)

Юртим, сени мадҳ этмоқ учун
Қалам керак меҳригидан.
Жамолингни васф этмоқ учун
Сўз яратмоқ керак зиёдан.
Сенда отган тонглар мунаввар,
Ойдин тунлар-юлдузли чаман.
Дийдорингни Қуёш соғинар,
Офтобга ҳам азизсан, Ватан!
Кўз очаркан ҳар гиёҳ-майса,
Боланг бўлиб сенга талпинар.
Боғларингда баҳор жилмайса,
Ҳажринг билан қаҳратон куяр.
Ҳар фаслга бирдек меҳрибон,
Бағринг очиб чиқасан пешвоз.
Сени суяр аёз — қаҳратон,
Наврўз тўшар гулдан пойандоз.
Мен бир райҳон, гўзал чаманда
Сўз атрини айлайман нисор.
Сендек озод ва хур Ватанда
Ҳамроҳимдир Бахт ила Баҳор!
Истиқлолинг— иқболимга шон,
Юртим, Сенга мафтундир дунё.
Бу оламда тенгсиз гулистон,
Тарк этмасин осмонинг Ҳумо!

АЗИМ САМАРҚАНД

(Самарқанднинг 2750 йиллигига)

Эй, сайқали дунё, эй, кўрки башар,
Тўйларинг муборак, мунаввар шаҳар,
Меҳри офтоб каби, дарёлари зар,
Муқаддас, музайян, азим Самарқанд,
Сенга бўлсин ҳазор таъзим Самарқанд!

Тарихинг ўйласам, дилга ғам ботар,
Бошингдан кечмади не хавфу хатар,
Бокийлик саҳнида қолдинг музаффар,
Искандар тиз чўккан Рахшон Самарқанд,
Рахшона кўнглида армон Самарқанд!

Қутайба, Чингизлар бузди кўрғонинг,
Таназзул зулмида ингради жонинг,
Не бахтким, туғилди Соҳибқиронинг
Бардоши бешумор, пинҳон Самарқанд,
Одил султонларга ошён — Самарқанд!

Мирзо Улуғбекнинг юлдузлари — шон,
То абад эъзозда Зижи Кўрагон,
Оламга тансиқдир тандирингда нон,
Оби Машҳад, Оби Раҳмат Самарқанд,
Боғи биҳишт, Боғи баланд Самарқанд!

Мовий гумбазларда офтобнинг нури,
Навоий закоси, Жомий шуури,

Ўзбегимнингфахри, миллат ғурури,
Истиклолдан кўкси осмон Самарқанд,
Карвонимга бердинг Сарбон, Самарқанд!

Бугун Сени бошда Ҳумо кутлайди,
Бобил, Афина-ю Румо кутлайди,
Улуғ ёшинг билан дунё кутлайди,
Муқаддас, музайян, азим Самарқанд,
Сенга бўлсин ҳазор таъзим, Самарқанд!

КИМ БИЛМАЙДИ БУХОРОНИ?!

Авлиё, пирлар диёри,
Дини ислом ифтихори,
Шариф шаҳарлар тугдори...
Тугамас мақтов маржони,
Ким билмайди Бухорони?!
Кўхна, қадим одатлари,
Хоқон, Бухорхудотлари,
Мадраса-ю работлари,
Лол этмиш не-не даҳони,
Ким билмайди Бухорони?!

Сомонийдур, Шайбонийдур,
Манғиту Аштархонийдур,
Ажаб, ҳаммаси фонийдур,
Валек тождур бошда шони,
Мангу боқий Бухорони!
Бухорийлар, Наршахийлар,
Нақшбанду Дақиқийлар,
Ҳақ йўлида ҳақиқийлар,
Ватан тутган шул маъвони,
Ким билмайди Бухорони?

Минораи Калон бунда,
Ҳам Тоқи заргарон бунда,
Баски, жисмаро жон бунда,
Улғайтган Ибни Синони,

Ким билмайди Бухорони?!
Ибн Сурайж, Абу Сўғдий,
Рубобийдан мерос ҳар куй,
Алҳони Нажми Кавкабий.
Ҳануз мутриблар сарбони,
Ким билмайди Бухорони?!

Равон азал куй ва садо,
Истиклолдан дилда зиё,
Мангуликка ўлмас наво
Яратмиш Мутал Бурҳони,
Ким билмайди Бухорони?!
Ҳар гумбазда юлдуз барки,
Маҳобатли қадим Арки,
Боғи биҳиштдан йўқ фарқи,
Жаннат ўрганар орони.
Кимбилмайди Бухорони?!

Ситораи Моҳи Хоса,
Чор атрофда чил дарвоза,
Ўғлони — шер, қиз — гулзода,
Рамзидир ишқу вафони,
Ким билмайди, Бухорони?!
Шаҳруд, Лаби ҳовуз зилол,
Сувларида сузгай Ҳилол,
Осиёнинг юзида хол,
Тугамас мадҳи достони,
Ким билмайди Бухорони?!

Ромитонми ё Шофиркон,
Қорақўлми ёхуд Когон,
Бири-биридан хушмакон,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/575> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ
версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/575>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/575>